



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 12-noyabr. Seshanba • 135 (31.725)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Фракция таклифлари

Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилаш, экологик назоратни самарали амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрлар ўз аксини топмоқда. ▼

ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳаси бўйича партия Сайловолди дастуридан келиб чиқадиган **50 дан ортиқ таклифни** масъул қўмитага тақдим этган эди. Кеча қонун лойиҳаси фракция йиғилишида яна бир бор муҳокамадан ўтказилганда мазкур таклифларнинг аксарияти қонун лойиҳасида ўз ифодасини топаётгани маълум қилинди.

Фракция аъзоси Саттор Раҳматовнинг таъкидлашича, экологик назорат тушунчасини алоҳида меъёр сифатида бериш, унинг турларини қонун лойиҳасида тўлиқ акс эттириш, экологик назоратни амалга оширувчи органлар, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ белгилашга доир таклифлар инobatга олинган.

Партия дастурий мақсадларида муҳим ўрин тутган аҳоли саломат-

лиги муҳофазасини кучайтиришга қаратилган таклифлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида қабул қилинган фракция учун принципиал аҳамият касб этади.

Умуман, қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида фракциямиз аъзолари томонидан берилган ҳар бир таклифга алоҳида тўхталиб ўтилганини, уларнинг қабул қилиниши ёки қилинмаслиги сабаблари атрофича таҳлил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу амалиёт парламент қўйи палатасидаги қонун ижодкорлиги жараёни юқалиши, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар фаоллиги янада кучайишига шароит яратди. Шу орқали, энг муҳими, ишлаб чиқариладиган қонунлар ҳар томонлама пишиқ ва мустаҳкам бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Оилавий тадбиркорлик

●●● янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадлари кўпайишига хизмат қилмоқда

Кўп маблағ талаб қилмайдиган кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, мазкур йўналишда фаолият юритаётган субъектларга енгилликлар бериш иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлаш, кўплаб янги иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП Дастурида шу билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Аҳолининг ишлаб чи-

қариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимизда кенг қўлланма ҳуқуқий-иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганини бу борадаги муҳим кадам дейиш мумкин.

2

Қўйи бўғин фаолиятини жонлантириш

●●● аввало, унинг етакчиларига боғлиқ

Сиёсий партия ўз олдида қўйган устувор вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама етук, салоҳиятли, сиёсий фаол, малакали кадрларга суянади. Шу боис кадрлар захирасини яратиш ҳар бир сиёсий партиянинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотлари эса ана шундай кадрлар тайёрлашда ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

2

«Обуна — 2014»



Фарғонада обуначилар кўпаймоқда

Бугунги кунда Фарғона вилоятида ҳар бир соҳада катта ютуқлар, улкан марралар қўлга киритилаёпти. Бу жараёнларни изчил ёритиб бориш, халққа етказиш, кенг тарғиб этишда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг ҳам муносиб ўрни бор. Шу боис мазкур газеталарга 2014 йил учун обуна уюштиришда вилоятдаги кўплаб корхона ва муассасалар ҳамда партия ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. ▼

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг 150 дан ортиги «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлди, — дейди **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши бўлим мудири Ҳабибхон Тошматова**. — Газеталаримизни ўқиб, бошқа ҳудудлардаги партия ташкилотлари фаолияти, электорат манфаати ҳимоясига қаратилган ишлар, депутатлар томонидан аҳоли муносабатлари асосида сессиялар муҳокамасига киритилаётган масалалардан хабардор бўлиб бораётганимиз, илғор таҳрибалардан ибрат олаётимиз.

— Партиямиз нашрларида халқ таълими муас-

сасалари фаолияти ҳам кенг ёритилади, — дейди **Бувайда туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, ЎзХДП фаоли Абдужаббор Маназаров**. — Шунинг учун ҳам тумандаги барча таълим муассасаларида газетамиз ўқувчилари сафи кенгайиб бормоқда. Ҳозиргача 70 нусада обуна расмийлаштирилди.

Бундан ташқари, Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси 40 нусага яқин обуна бўлди. Шунингдек, келгуси йил учун обунани ташкил этишда Қўқон давлат педагогика институти жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда.

Моҳиёра БОЙБОБОВА

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

2014 йил учун бюджет лойиҳаси

ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш орқали аҳолининг бандлик даражаси ҳамда реал даромадларини ошириш учун курашмоқда

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

БАНДЛИК

— устувор масала

ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор кўрсатиб келмоқда.

2

Ҳуқуқий тажриба

давом эттирилмоқда

3

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ

фидойилари



4

Уч учрашув, уч ғалаба

Пойтахтимиздаги

«Ўзбекистон»

спорт саройида футбол

бўйича Осиё чемпионати

минтақавий саралаш учра-

шуелари якунланди.



4

Кейинги сонларда

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Оққўрғон туманида жойлашган қишлоқ врачлик пунктида «Соғлом авлод — юрт таянчи» мавзуида ижтимоий ёрдамга муҳтож она ва болалар ҳамда ногиронлар учун бепул тиббий кўрик акцияси ўтказилди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

Оилавий тадбиркорлик

янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадлари
кўпайишига хизмат қилмоқдаАнвар БОЙКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

”

Оилавий тадбиркорлик ҳам юридик шахс сифатида, ҳам якка тартибда ташкил этилиши мумкин. Оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Қонунга мувофиқ оилавий корхонага қатор имтиёз ва афзалликлар берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, оилавий корхона оила яшайдиган турар-жойда фаолият юритиши ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотини шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Бундай имконият оилавий тадбиркорликни бошлаш ва уни самарали давом эттиришни анча осонлаштиради.

2012 йил 26 апрелдан кунга қирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун оилавий бизнес ривожланиши учун қулай шароит яратиши, янги иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Оилавий тадбиркорлик ҳам юридик шахс сифатида, ҳам якка тартибда ташкил этилиши мумкин. Оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади. Қонунга мувофиқ оилавий корхонага қатор имтиёз ва афзалликлар берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, оилавий корхона оила яшайдиган турар-жойда фаолият юритиши ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотини шу жойнинг ўзида сотиши мумкин. Бундай имкониятлар оилавий тадбиркорликни бошлаш ва уни самарали давом эттиришни анча осонлаштиради.

Яна бир муҳим томони шундаки, оилавий бизнес иштирокчилари корхона устас фондидан энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан паст бўлмаган миқдорда мустақил белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, транспорт, қорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби йўналишлар шулар жумласидандир. Бозор муносабатлари, иқтисодий таъминлаш бориши билан оилавий тадбиркорликнинг имкониятлари ва фаолият йўналишлари бундан кенгайиб, таъминлаш бориши табиий, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан кейин аҳоли орасида тадбиркорликнинг ушбу турига қизиқиш тобора ортиб бораётгани кузатилаётти. Жойларда

(Давоми. Боши 1-бетда.)



С.ШОТЎЛАНОВ олан сурат.

вини тўлашдан ҳам белгиланган тартибда озод қилинади.

Оилавий корхона ташкил этишнинг яна бир қулай томони шундаки, турар-жойдан товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш учун фойдаланилган тақдирда, коммунал хизматлар ҳақи аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда оилавий тадбиркорликни 100дан ортиқ йўналишларда ташкил этиш мумкин. Хусусан, улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш, ёғочсозлик, мебель, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт, қорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби йўналишлар шулар жумласидандир. Бозор муносабатлари, иқтисодий таъминлаш бориши билан оилавий тадбиркорликнинг имкониятлари ва фаолият йўналишлари бундан кенгайиб, таъминлаш бориши табиий, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан кейин аҳоли орасида тадбиркорликнинг ушбу турига қизиқиш тобора ортиб бораётгани кузатилаётти. Жойларда

аҳоли вакиллари билан ўтказилаётган турли учрашув оилавий корхона фаолияти ҳақида кўплаб саволлар билан мурожаат қилишмоқда.

Маълумотларга кўра, йилнинг январь ойида республикада 427 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган шу йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра эса уларнинг сони 2500 га яқинлашган. Тошкент шаҳри, Фарғона ва Тошкент вилоятларида оилавий корхоналар бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ ташкил этилмоқда.

Демак, оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш масалаларида фаолликни янада ошириш талаб қилинмоқда. Бу борада, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз, партия ташкилотлари, электротар вакиллари орасида қонун мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш бўйича изчил фаолият кўрсатиши зарур.

Зеро, оилавий тадбиркорлик ривожланиши партияимиз дастурий мақсадлари изчил амалга ошишига, юртимиз иқтисодий юксалиши ва турмушимиз фаровонлашувига хизмат қилади.

Қуйи бўғин
фаолиятини
жонлантиришаввало, унинг
етакчиларига боғлиқ

— Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида 10 мингдан ортиқ бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Ташкилий-кадрлар ишлари бўлими мудири Зокиржон Холматов**. — Уларнинг етакчилари сиёсий ва ҳуқуқий билими, тажрибасини ошириб бориш партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди. ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроқўми Хайъатининг яқинда қабул қилинган **Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотлари етакчиларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мақсадида жойларда сиёсий ўқув ва семинар-тренинглар ташкил этиш тўғрисидаги** қарори партия тизимида профессионал етакчилар қатламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Айни пайтда, мазкур қарор асосида қуйи бўғин етакчиларини ўқитиш барча минтақавий партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларда мунтазам йўлга қўйилди.

— Албатта, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, етакчиларнинг кўникма ва сиёсий билимини ошириш бугун сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалардан биридир, — дейди **Термиз археология музейи ходими, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Муқаддас Хайитова**. — Шу маънода ЎзХДП Термиз шаҳар кенгаши ташкил етакчилар таъиниш бўлими катта аҳамиятга эга. Уларда сиёсий партиялар фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан батафсил таъиниш, сиёсий билимларимизни оширамиз. Ўқувлар қанча кўп ўтказилса, қуйи бўғин фаолиятини ривожлантириш самараси шунчалик ошади.

— Бошланғич ташкилотлар етакчиларининг сиёсий фаолиятини ошириш Сайловолди дастури ижросига қаратилган ташаббуслар кўпайишига хизмат қилади, — дейди **ЎзХДП Пахтачи туман кенгаши раиси Исмаил Санаев**. — Биз белгиланганидек, жорий йилнинг шу даврига қадар иккита сиёсий ўқув-семинар ўтказдик. Уларда партияимиз тизимидаги 65 та бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Масалан, октябрь ойида ўтказилган ўқув-семинарда мамлакатимизда кўппартиявийликнинг ташкил этилиши ва ривожланиши, давлат бошқаруви демократлаштиришда уларнинг ўрни ва аҳамияти, сиёсий етакчи масъулияти каби мавзуларни апрофича ўргандик.

— Ушбу ўқув-семинарлар бошланғич ташкилотларнинг партияимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида янада фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз, — дейди **Булунгур туман**

Бошланғич ташкилот етакчилари учун ташкил этилаётган ўқув-семинарда биз нафақат тажриба ўргандик, балки ўз тақлифларимиз билан ҳам иштирок этдик. Хусусан, аъзоларимизни ЎзХДП Дастури ва Низоми билан таъминлаш, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, шунингдек, туманимизнинг ижтимоий ҳаётига дахлдор масалалар ижроси ва бу борада учраётган муаммолар бўйича тақлифлар бердик.

тиббий бирлашмаси ҳузурдаги **ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти етакчиси Раҳматилло Бобонов**. — Бизнинг бошланғич ташкилотимиз атрофида бирлашган аъзолар сони 100 нафардан ошди. Партиянинг нуфузи, таъсирчанлиги қандай бўлишини бошланғич ташкилотлар белгиласа, уларнинг фаолият самараси ҳар бир аъзонинг сиёсий фаолияти ва ташаббускорлигига боғлиқ. Бошланғич ташкилот етакчилари учун ташкил этилаётган ўқув-семинарда биз нафақат тажриба ўргандик, балки ўз тақлифларимиз билан ҳам иштирок этдик. Хусусан, аъзоларимизни ЎзХДП Дастури ва Низоми билан таъминлаш, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, шунингдек, туманимизнинг ижтимоий ҳаётига дахлдор масалалар ижроси ва бу борада учраётган муаммолар бўйича тақлифлар бердик.

— Етакчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган сиёсий ўқув-семинарлар бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини янада жонлантириб юборди, — дейди **ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси Мўстабар Каримова**. — Уларда тумандаги бошланғич ташкилотлар етакчилари фаол иштирок этишди. Сиёсий ўқув-семинарларда бошланғич партия ташкилотларининг партия ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ролини кучайтириш, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш имкониятларини аниқлаш, партия электорати манфаатларига қаратилган ишларни амалга ошириш борасида аниқ вазифалар қўйилди.

Бошланғич ташкилот фаолияти самарали бўлса, партия кенгашларининг амалий ишлари салмоғи ҳам ортади. Бу эса партиянинг жамиятда таъсир кучи, обрў-эътибори ошишига, дастурий мақсадлари рўёбга чиқишига хизмат қилади.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Матбуот хизмати ходими.

БАНДЛИК — УСТУВОР МАСАЛА

ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга изчил эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили беш юз мингдан зиёд йигит-қиз касбли, хунари бўлиб, мустақил ҳаётга қадам қўяпти. Демак, уларни ихтисослиги бўйича ишга жойлаштириш ҳамда долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Уч йил давомида билим олиб, мутахассис бўлиб етишган ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг куч ва имкониятларидан саноат, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш бўйича ЎзХДП Сайловолди дастурида қатор вазифалар белгиланган. Айни пайтда бу масала партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2013 йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Фарғона вилоятидаги 30 та касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласини ЎзХДП вилоят кенгаши ўз назоратига олган эди. Битирувчилар билан учрашувлар ўтказилди, ўқув даргоҳи — битирувчи ва иш берувчи ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди. Битирувчи шартнома тузган корхона ёки ташкилотда амалиёт ўташи, кейинчалик айнан шу ерда иш билан таъминланишига эришилмоқда.

— 2012-2013 ўқув йилида битирувчилар 734 нафарни ташкил қилди, — дейди **Бувайда агросаноат касб-хунар коллежи директори Махбубахон Маматова**. — ЎзХДП туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари билан ўқув йили давомида мустақам ҳамкорликда иш олиб бордик. Улар «Касбим — фахрим» мавзусида учрашув ва виқториналар уюштиришди. Ўз бизнесини очмоқчи бўлган ёшларни танлаб, иқтисодий ўқув ташкил этилди, тижорат банклари билан ҳамкорликда лойиҳалар тузиб, танлов ғолибларига имтиёзли кредитлар олиш бўйича сертификатлар топширилди. Бундай тизим-

ли ёндашув натижасида битирувчиларнинг 576 нафари иш билан таъминланди. Олий ўқув юртига ҳужжат топшириб ўқишга киролмаган 158 нафар, турмуш қургани учун вақтинча ишсиз бўлган собиқ битирувчиларимизни иш билан таъминлаш чораларини кўрпамиз. Бу каби яқин муносабатлар, партиянинг ҳаётини қўллаб қўллаш ошайтгани туфайли коллежимиз ўқитувчи-ҳодимларидан 78 нафари ЎзХДП сафига аъзо бўлди.

Ойбек Иминов, Кўкон темир йўл касб-хунар коллежининг битирувчиси:



— Учинчи босқичда ўқиб юрган вақтимизда машғулотларнинг бирида Фуркат Ҳамидов иштирок этди ва мен билан суҳбатлашиб, коллежни битиришга, қаерда ишламоқчи эканим билан қизиқди. Олтириқ вагон ювиш корхонасига операторлик вазифасига ишга тақлиф этди. Мен рози бўлдим. Бу корхонада амалиёт ўтаётган чоғимда билдимки, Фуркат Ҳамидов халқ депутатлари Олтириқ туман Кенгашида ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари экан.


Мен ҳозир оператор вазифасида ишлаяпман. Дастлабки машғулоти олганимда шунчалар хурсанд бўлдимки, қувончим ичимга сиймади. Фуркат аҳолига хабар олиб туради. Шу орада мен ЎзХДП Дастури билан танишдим, хайрли ишларини кўрдим. Сўнгра шу партияга аъзо бўлдим. Корхонамиздаги бошланғич ташкилотда ҳозир 40 нафар партия аъзоси бор.

Муртазохон Исроиллов, Марғилондаги «Полиграф пресс» корхонаси компьютер оператори:

— Марғилондаги саноат касб-хунар коллежини тугаллагач, олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи эдим. Синдован ўтолмадим. Тушкун кайфиятда юрганамда, ЎзХДП Марғилон шаҳар кенгашига қақариб қолдим. У ерда депутатлар, турли идораларнинг вакиллари иштирокида иш билан таъминлаш масаласида суҳбат бўлиб ўтди. Мени «Полиграф пресс» корхонасига ишга тақлиф этишди. Кўриб турганингиздек, компьютер операториман. Ишим ўзимга жуда ёқди. Касб-хунар коллежи битирувчиларидан яна уч нафари шу ерга ишга қабул қилинди. Улар ҳам ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоларидан миннатдор.

Сакина Мамаюсупова, «Келин либослари тикувчилик ва ижарага бериш уйи» раҳбари:

— Очиғи бу қадар тез мустақил иш эгаси бўламан, деб ўйламаган эдим. Битирувчи курсда таҳсил олаётганамда, ЎзХДП фаоллари билан учрашувлар ўтказишди, иқтисодий ўқув, суҳбатлар ташкил этилди. Уларнинг ёрдами билан «Келин либослари тикийш ва ижарага бериш уйи» лойиҳасини туздик. Кейинчалик мен бу лойиҳам билан ЎзХДП Марказий Кенгаши Фарғонада ташкил этган ижтимоий-иқтисодий анжуманда иштирок этдим. «Қишлоққурилишбанк» томонидан имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди. Бу маблағ хис-



бига тикув машинаси ва хомашё сотиб олдим. Ҳозирда ижарага олган бинода иш юритапман. Лекин миқозларим кундан-кунга кўпаймоқда. Энди бизнесимни кенгайтиришга қаратилган янги лойиҳа устида иш олиб борапман.

Ҳа, вилоятда Сакина Мамаюсупова каби касб-хунар коллежини битириб, ЎзХДП шаҳар, туман кенгашлари; депутатлик гуруҳлари аъзолари ёрдамида ўз ишини ташкил этганлар оз эмас. Биргина ижтимоий-иқтисодий анжуманлар доирасида тижорат банклари томонидан қасаначилик, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларнинг 149 нафарига имтиёзли кредитлар олишни қафолатловчи сертификатлар топширилди. Уларга банклар 3 миллиард 492 миллион сўм кредит маблағлари ажратди. Бунинг натижасида 400 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Битирувчилар билан учрашувлар ўтказилди, ўқув даргоҳи — битирувчи — иш берувчи ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди. Битирувчи шартнома тузган корхона ёки ташкилотда амалиёт ўташи, кейинчалик айнан шу ерда иш билан таъминланишига эришилмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 2012 йил ва 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида тегишли Кенгашларнинг доимий комиссияларида 8 марта ва сессияларда 6 марта касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи муҳокама этилди ва қарорлар қабул қилинди.

Айни пайтда партия кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ишларни изчил давом эттирмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хуқуқий тажриба давом эттирилмоқда

●●● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказишга доир ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш бўйича ишчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. ▼

Хуқуқий эксперимент

Тадбирда мазкур ишчи комиссияси, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ишчи гуруҳлари аъзолари, маҳаллий ҳокимият органлари масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлат бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат институтлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ҳам ушбу мақсадларга қаратилган бўлиб, унинг лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган фармойишига биноан Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»

да»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба май ойида бошланган эди. Биринчи босқичда ушбу вилоятлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун лойиҳаси қоидаларига мос янги иш тартибига ўтди. Тадбирдан мақсад қонун лойиҳаси қоидаларига амалий ишлов бериш, қонун ҳужжатлари бўйича ишлаб чиқилаётган лойиҳалар ҳуқуқий нормаларининг самарадорлиги юзасидан илмий асосланган, жамият ва давлат қурилиши амалиёти билан боғлиқ тавсияларга эга бўлишдир. Ҳуқуқий тажриба нафақат тақлиф этилаётган қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этишга доир ҳуқуқий қўллаш бўйича амалий механизмларни ишлаб чиқиш, балки жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ижро интизоми ҳамда масъулиятини ошириш имконини беради.

Мажлисида ҳуқуқий тажриба қандай амалга оширилаётгани, унга тузатишлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, ҳуқуқий тажриба доирасида ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга доир долзарб масалалар муҳокама этилди, истикболдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун жамоатчиликини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш нормаларини белгилайди, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлар тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлашни кўзда tutади.

Бухоро вилояти ҳокимиянинг ўринбосари Ҳ.Ғойиров, Самарқанд вилояти ҳокимиянинг ҳузуридаги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари А.Тамкаев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Ғайзуллаев, «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев ва бошқа давлат ҳуқуқий тажриба қандай амалга оширилаётгани, бу борада ўтказилаётган тадбирлар, эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритди. Хусусан, ахборотдан фойдаланувчиларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари сони кўпайгани ўтказилаётган тадбирлар самарадорлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига нисбатан фуқароларнинг ишончи ортиб бораётганидан ёрқин далолат бериши қайд этилди. Маълумотларга кўра, 2013 йилнинг май ойидан буён бундай мурожаатлар сони Самарқанд вилоятида 2836, Бухоро вилоятида 1513 тани ташкил қилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш мақсадида мазкур давлат органларининг очиқ ҳайат йиғилишларида фаол қатнашмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари оммавий ахборот воситаларида чиқишлари фаоллашди.

Ахборотдан фойдаланувчиларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари сони кўпайгани ўтказилаётган тадбирлар самарадорлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига нисбатан фуқароларнинг ишончи ортиб бораётганидан ёрқин далолат бериши қайд этилди. Маълумотларга кўра, 2013 йилнинг май ойидан буён бундай мурожаатлар сони Самарқанд вилоятида 2836, Бухоро вилоятида 1513 тани ташкил қилган.

рот воситаларида чиқишлари фаоллашди.

Самарқанд вилоятида 224 материал чоп этилган, телерадиоканаллар, интернет орқали 376 материал тарқатилган. Бухоро вилоятида 146 босма, 339 теле-радио ва интернет материал эълон қилинган.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг интернет ресурсларини ривожлантириш орқали уларнинг фаолияти очиқлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Масалан, Самарқанд вилоятида ҳуқуқий тажрибада қатнашаётган 91 субъектнинг 58 таси ўз расмий веб-сайтига эга, 26 субъект юқори ташкилотлар сайтларида веб-саҳифаларини очган, 7 субъект халғача ўз интернет ресурсига эга эмас. Бухоро вилоятида 89 ҳуқуқий тажриба субъектининг 47 таси ўз веб-сайтини

очган, 36 субъект юқори ташкилотлар веб-сайтларида ўз веб-саҳифаларини ташкил қилган, олтига субъектда эса бундай саҳифа умуман mavjud эмас. Ҳуқуқий тажриба субъектларининг расмий интернет-сайтлари ҳолатини мониторинг қилиш якуналарини сарҳисоб қилишда уларни янада бойитиш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тажрибанинг айрим вазифаларини янада самарали ҳал этиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди. Ҳуқуқий тажриба субъектларининг ахборот-кутубхона ва архив фондларига ахборотни ўз вақтида ҳамда тўлиқ тақдим этиш бўйича фаолиятини яхшилаш, интернетдаги расмий сайтлар фаолиятини такомиллаштириш, ахборотдан фойдаланувчилар мурожаатларига ишлов бериш ва бошқа масалалар шулар жумласидандир.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА мухбири.



Тирик одамнинг тириклиги



тан олинмади

Американинг Огайо штати судининг ўз фаолияти давомида ҳали бирор марта қўзғатилмаган антиқа ҳолат устида боши қотди.

Ҳап шундаки, «CNN» телеканали хабар беришича, 19 йил муқаддам — 1986 йили Дональд Миллер ишидан айрилгач, бедарак йўқолган ва 8 йилдан кейин суд томонидан ўлган, деб тан олинган. Бироқ энди унинг

ўзи тириклигини жамоатчиликка тан олдирилмай овоз-ро-са сарсон.

Судда Миллернинг қўрсатма беришича, у 2005 йили штатга қайтган. Аммо 2013 йилгача ўзининг ўлганлиги ҳақидаги гап-сўзлардан беҳабар юраверган. Қачонки ижтимоий сурғурта рақамини тиклаш учун ташкилотга мурожаат этгач, ўзининг ўлганлигидан хабар топган — ташкилот вакиллари унинг ўлганлиги ҳақидаги маълумотни унга қўрсатишган ва рақамни тиклаш рад қилишган. Шундан сўнг Миллер судга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Лекин суд ҳам унинг тириклигини тан олишни хоҳламади. Негаки, унинг беваси шунча йиллардан бери икки ўғлига олган нафақани давлатга қайтариши керак. Бунча маблағ эса унинг оиласида ҳозирча йўқ.

Жабр кўрганлар



14 минг кишидан ортди

Япониянинг «Канэбо» косметик корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган терини оқартирувчи суртма воситасидан шу кунгача жабрланганлар сони 14 минг кишидан ошиб кетди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Маълумки, шу йил ёзда «Канэбо» косметик корпорацияси 450 мингдан ортиқ қўтидаги суртма воситала-

рини одамлардан қайтариб олган эди. Негаки, дерматолог-шифокорларнинг айтишича, бу суртма терини текис оқартирмайди, балки у ер, бу ерида оқ доғлар қолдиради. Шу боис суртмани харид қилган 250 мингдан ортиқ одамдан бу суртмалар қайтариб олинган.

Суртма нима ҳисобига сифатсиз чиққани аниқланмоқда. «Канэбо» косметик корпорацияси хабардорлардан расмий кечирим сўради.

15 мингдан ортиқ дўкондан суртмаларнинг қайтариб олинishi корпорация хазинасига 5,6 миллион иен (56 миллион доллар) зарар келтирди.

Адвокатлар гуруҳининг маълумотларига қараганда, бундан 2 йил муқаддам айрим хабардорлар «Канэбо»га сифатсиз маҳсулотни учун норозилик билдирганди. Бироқ корпорация чора кўрмаганди.

Ўзбекистонда Европа таълими кунлари бошланди

Мамлакатимизда Европа таълими кунлари Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилмоқда. ▼

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Ю.Штерк, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўринбосари Б.Усмонов, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Т.Низомов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳ-

намолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўллаш ишлари юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури юртимизда мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳада самарали халқаро ҳамкорлигининг кенг йўлга қўйилгани миллий таълим моделининг малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилганидан яна

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури юртимизда мустақил фикрлайдиган, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим дастуруламалдир.

бир ёрқин далолатдир. Бугун Ўзбекистон ёшлари нафақат мамлакатимиз, балки нуфузли хорижий ўқув юртиларида ҳам ўз билиминини ошириш, замонавий ахборот технологияларини чуқур ўрганиш, халқаро стандартлар даражасида таълим олиш имкониятига эга.

Ўзбекистонда Европа таълими кунлари 2013 йилнинг 15 нояб-ригача давом этади. 11 ноябрь куни Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Европа Иттифоқида ўқиш» мавзусида таълим кўргазмаси очилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири.

Йўллар янада равон бўлмоқда

●●● Сурхондарё вилоятида автомобиль йўлларини қайта қуриш, янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. ▼

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиш ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлаётти.

Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастурга асосан 2013 йилда вилоятда 119 километр узунликдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги йўлларни қайта қуриш ва таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун давлат бюджетидан 90 миллиард сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Уларнинг аксарияти нисоясига етказилди. Шу кунларда Термиз халқаро аэропорти — Хайратон кўприги ораллигидаги автомобиль йўли қайта қурилмоқда. Бундан ташқари, халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган яна 12 та объект яқинда фойдаланишга топширилади. Улар манзилларимизни янада яқин, оғиримизни енгил қилади.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ННТлар фаоллиги ошмоқда

Қарши шаҳрида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форумининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. ▼

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Касаба уюшмала-

ри федерацияси ва вилоят ҳокимияти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоат ташкилотлари ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Унда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ижтимоий шериклигини ривожлантириш, ННТлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-

цепциясида белгиланган вазифаларнинг ҳудудлардаги ижроси юзасидан вилоят солиққни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими бошқармалари ҳамда табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Вилоятда 530 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотли ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли йўналишларида фаол иштирок этмоқда. Тадбир доирасида бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотларининг солиққни сақлаш, экология, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳаларга бағишланган тақдиротлари акс этган фото кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

2013 йил - ОБОА турмуш йили

«Toshkent kim oshdi savdolari» masъuliyati cheklangan jamъiyniti ўtkazilgan auкцион savdolari natijalariга кўра,
«Ғафур Ғулom» номидаги нашриёт-матбаа иходий уйининг д/р 01/908 МВА бўлган «Дамас» — 12 720 000 сўмга;
Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг д/р 01/791 САА бўлган «BA3-21070» — 5 230 000 сўмга, д/р 01/898 САА бўлган «BA3-21074» — 5 230 000 сўмга, д/р 01/812 САА бўлган «Матиз» — 7 000 000 сўмга, д/р 10AL 455 бўлган «Эсперo» — 4 650 000 сўмга, д/р 01/813 САА бўлган «GA3-31100» — 6 615 000 сўмга;
Тошкент вилояти Қўбрай тумани «Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати»нинг д/р 10/227 ХАА бўлган «ФИАТ УНО» — 1 900 000 сўмга; «ENERGOIMPEKS» ОАЖнинг д/р 10AV320 бўлган «Сиело» — 12 000 000 сўмга, д/р 10AG600 бўлган «Нексия Донс» — 20 200 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.
Ғувоҳнома № 005414-05

Тил ўрганиш учун



энг мақбул ёш

Лондоннинг Қироллик коллежи ҳамда АКШнинг Браунов университети олимлари ҳамкорлида ўтказган таҳлил натижалари шундан далолат бермоқдаки, болалик, аникроги, 2-4 ёш тил ўрганиш учун энг

мақбул ёш экан.

Олимлар 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган 108 нафар гўдакнинг бош миясини сканер таҳлилидан ўтказиб, шунини аниқладиларки, бош миёдаги асаб тоаларининг миелин қобиғи болаларнинг 2 ёшгача бўлган вақтида жуда тез шаклланади. Миелин тақсмоти эса бола 4 ёшга борганда якуналанади.

Демак, олимлар хулоса қилдиларки, 4 ёшгача бўлган болаларда тил ўзлаштириш қобилияти бошқа ёшдагиларга қараганда жуда яхши ривожланган бўлади. Болалар 1 ёшда 50 та сўз захирасига эга бўлса, 6 ёшда бу рақам 5 мингтадан ортади.

Олимлар ўз хулосаларини «The Journal of Neuroscience» журналида чоп этилди.

Кўтаринки руҳ



умрни узайтиради

Юрак-қон-томир касалликларига дучор бўлган беморларнинг ҳаётга муносабати турличадир. Уларнинг айримларида доимо кўтарин-

ки руҳ ҳукмронлик қилса, айримлари жуда тушкун ҳолатда юради.

Тилбург университети профессори Сюзанн Педерсен ишеик касалига мубало бўлган 600 нафар бемор ҳаётини 5 йил давомида кузатиб, тадқиқ қилиб, шунини аниқладиларки, кўтаринки кайфиятда юрадиган беморларда «пессимист» беморларга нисбатан ўлим ҳолатининг эс бериши 42 фоизга кам экан. Яъни, 5 йилда 80 нафар бемор ҳаёт билан видолашган бўлса, шунинг 30 нафари «оптимист»лар, 50 нафари эса «пессимист»лардир, дейилади «Live Science» нашрида чоп этилган мақолада.

Эл саломатлиги фидойилари

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда шифокорлар байрами сифатида кенг нишонланади.

2013 йил — Обод турмуш йили

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ушбу санага бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар тақлиф этилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида бу борадаги вазифаларни ҳаётига татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Изчиллик билан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ўзгаришга учирди. Аналар ва болалар ўлими уч баравар камайди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган бундай юксак ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза-лашга оид миллий модели

минлар билан таъминлаш, она-бола скрининг хизмати-ни ривожлантириш, неонатал ва перинатал ёрдамни самарали ташкил этиш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли реконструкция ва қурилиш ишлари тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва соҳада жаҳон тиббиётининг янги технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Обод турмуш йилида жойларда бир юз қирқ олти тиббиёт муассасида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ана шундай кенг қўламли тиббий ислохотлар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ўзгаришга учирди. Аналар ва болалар ўлими уч баравар камайди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган бундай юксак ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза-лашга оид миллий модели



(ЎзА) олган сурат.

тараққий этган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунга ёрқин мисолдир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ушбу шарафли ва масъулиятли касб эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу борадаги ишлар қўламини кенгайтириш мақсадида тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада орттирилган илғор тажрибани оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти», «Энг намунали оилавий поликлиника», «Энг яхши умумий амалиёт врачлари», «Энг

яхши патронаж ҳамшираси» каби номинациялар бўйича ўтказиб келинаётган аънавий танлов шундай лойиҳалардандир.

Тадбирда ушбу танловнинг 2013 йилдаги ғолиблари эълон қилинди.

Навоий вилояти Навбахор туманидаги «Жамбул» кишлоқ врачлик пункти «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва «Damas» автомашинаси билан тақдирланди.

Марғилон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Сирдарё вилояти Бобўт тумани 1-Бобўт 2-бўлим кишлоқ врачлик пункти

мудир Гулчехра Назарова «Энг яхши умумий амалиёт врачлари», Наманган вилояти Чуст туманидаги «Каркидон» кишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Насиба Султонова «Энг яхши патронаж ҳамшираси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Танлов ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Кишлоқ врачлик пунктимиз уч мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади, — деди Навоий вилояти Навбахор туманидаги «Жамбул» кишлоқ врачлик пункти шифокори Лола Курбонова. — «Саломатлик» лойиҳалари доирасида янги тиббий технологиялар билан жиҳозланган шифо масканимизда тиббий-

Тиббиёт тизими ислоҳ этишга оид бир юз элликка яқин қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилиниб, уларда белгиланган чоратадбирлар амалиётга изчил жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

профилактика ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит яратилган. Шифокорлар ва патронаж ҳамшираларимиз хонадонларда бўлиб, соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-тўшунтириш ишларини мунтазам олиб бораётир.

Байрам тадбирида концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.**

●●● Чемпионлик учун кураш асосан урта жамоа — «Бунёдкор», «Локомотив», «Насаф» футболчилари ўртасида борди.

Ўзбекистон

XXII миллий чемпионати якунланди

Асосий таъқибчиларидан бир очко ўзиб кетган «Бунёдкор» 26-турда Жиззахда «Сўғдиёна» вакиллари билан қийинчиликсиз (0:2) мағлубиятга учради, ўртадаги фарқни сақлаб қолди ва ўз тарихида бешинчи мартаба Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Олий лигада тўққизинчи мавсумини ўтказган пойтахт темир-йўлчилари ўтган йили миллий чемпионат бронза медаллари билан тақдирланганди. Бу гал «Локомотив» футболчилари ушбу кўрсаткични яхшилашнинг уддасидан чиқдилар. Охириги ўйинда «Бухоро» меҳмони бўлган пойтахтликлар кичик (0:1) ҳисобда ғалаба қозониб, мавсумни қумуш медал билан якунлади.

Чемпионлик учун охириги турга қадар кураш олиб борган «Насаф» жамоаси Олмалиқда рақибига имкониятни бой беришига бир баҳа қолди. Агар «Олмалик» ҳужумчиси Зафар Полвонов пенальтини аниқ амалга оширганида, натижа мутлақо бошқача кўриниш олиши ҳам мумкин эди.

Ўйиннинг дуранг (2:2) билан якунланиши қаршиликларнинг миллий чемпионат тарихида еттинчи бор бронза медалига сазовор бўлиши учун қийин келди.

Энди «Бунёдкор», «Локомотив», «Насаф» футболчилари келаси йили бўладиган Осиё чемпионат лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон XXII миллий чемпионати тўпураги номига ҳужумчи Александр Пишчур («Бунёдкор») сазовор бўлди. У бутун мавсум давомида рақиблари дарвозасини 19 мартаба аниқ нишонга олди.

Чемпионатнинг дастлабки омадсиз жамоаси номи мавсум тугашига бир тур қолганида аниқланган. Ўз вақтида ОФК кубоги баҳсларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ҳуздорнинг «Шўртан» жамоаси кейинги мавсумни куйи лигада ўтказадиган бўлди. Қучилар сафини тарқ етдиган иккинчи жамоа номи «Гулистон» — «Қизилқум» баҳсидан сўнг маълум бўлди. Унда навоийликлар сафарда тўп суришларига қарамай, рақибини (2:3) енгиб, олий лигадаги ўз мавсумини сақлаб қолишди. Энди келгуси мавсумда Муборакнинг «Машъал» ҳамда Андижоннинг «Андижон» жамоалари олий лигада қатнашади.

**Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Хасан ПИРМУХАММЕДОВ олган сурат.

Уч учрашув, уч ғалаба

●●● Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида футбол бўйича Осиё чемпионати минтақавий саралаш учрашувлари якунланди.

Футзал

Мусобақанинг дастлабки турларида Ўзбекистон терма жамоаси Туркменистон (10:1) ҳамда Тожикистон (5:4) футболчилари устидан ғалаба қозонганди. Баҳодир Аҳмедов шоғирдлари охириги ўйинда киргизистонликларга қарши тўп суриб, рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 5:1.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Тожикистон — Туркменистон футболчилари ўзаро рубарў келишди ва ўйин — 5:4 ҳисоби билан якунланди.

Якуний ҳаҷвал

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	3	3	0	0	20-6	9
Тожикистон	3	2	0	1	17-13	6
Қирғизистон	3	0	1	2	7-15	1
Туркменистон	3	0	1	2	7-17	1

Шундай қилиб мусобақа низомига кўра, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон терма жамоалари келгуси йили Вьетнамда бўладиган Осиё чемпионати финал босқичига йўланма олишди.

(Ўз мухбири.)



XALQ BANKI

ДТ Халқ банки миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турларини тақлиф этади:

«ФАЙЗЛИ»

- сақлаш муддати — 6 ой ва ундан юқори;
- бадал миқдори — камида 500 минг сўм;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилади;
- фоиз даромади тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра, пул ютуқлари тўлаб берилади.

«ИШОНЧЛИ ТЎЛОВ»

- сақлаш муддати — 2 йил;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилади;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, фойдаланилган коммунал тўловлари учун ёки масофадан туриб бошқарилувчи банк хизмати «Uyali Pul» махсус ҳисоб-рақамига нақд пулсиз ўтказиб берилади.

«НАФАҚА»

- сақлаш муддати — 3 ой ва ундан юқори;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилади;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, омонат муддати тугатилган сўнг миқдорнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

«КАПИТАЛ»

- сақлаш муддати — 1 йил;
- бадал миқдори — чекланмаган;
- қўшимча қирим муомалалари амалга оширилади;
- фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, омонатта маблағлар қирим қилинган кун ёки белгиланган муддатнинг ҳоҳлаган даврида (аванс шаклида) миқдорнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

Маълумот учун телефон:
8-800-200-00-55

Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ta'lim — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoa-hillik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxonada nashr: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10338

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqt — 22.45

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2020-7433

7 722 010 743 300 6

1 2 3 4